

А Ж Р И М

2025 йил июнь ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди, суд биносига, очиқ суд мажлисига, шу суднинг раиси А.Қаҳҳаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Амировнинг котиблигида, Нишон тумани прокурори катта ёрдамчиси А.Чуллиев, Нишон туман ИИО Пробаця гуруҳи катта инспектори Н.Махматқулов ва маҳкум Ю.Эсанкуловнинг иштирокида, маҳкум Ю.Эсанкуловга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 75-моддасига асосан озод қилиш ҳақидаги Нишон туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси ва маҳкум Ю.Эсанкуловнинг аризаси кўриб чиқилди.

Маҳкум Эсанкулов Юсуф Чориевич, 1965 йил 4 февраль куни Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, беш нафар фарзанди бор, нафақада, Нишон тумани “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини, Олчазор кўчасида яшайди.

Суд, тақдимнома ва ариза юзасидан тўпланган ҳужжатларни текшириб чиқиб, тарафларнинг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Нишон туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасида, Ю.Эсанкулов нафақа ёшига етганлиги сабабли, уни тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 75-моддасига асосан озод қилиш сўралган.

Маҳкум Ю.Эсанкулов аризасида, нафақа ёшига етганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 75-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан озод қилишни сўраган.

Жиноят иши бўйича Миришкор туман судининг 2024 йил 11 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-модда 3-қисми “а” банди ва 28,209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 59,62-моддаларига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой 21 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 75-моддаси биринчи бандида, мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар, жазони ўташдан озод қилиниши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли қарори 22-бандида, ЖКнинг 75-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ даврида меҳнат қобилиятини йўқотган ёки пенсия ёшига етган шахслар, шунингдек бундай жазони ўташ даврида



хомиладорлик ва туғиш учун таътил берилган аёллар жазодан озод этилиши хақида тушунтириш берилган.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан берилган №30402652540018-сонли пенсия гувоҳномасида, Эсанкулов Юсуф Чориевичга 2025 йил 4 февралдан умрбод ёшга доир пенсия тайинланганлиги кўрсатилган.

Суд, маҳкумнинг сўзини эшитиб, прокурор ва пробацья гуруҳи инспекторининг фикрларини тинглаб, маҳкум Ю.Эсанкулов 2025 йил 4 февралдан бошлаб ёшга доир пенсияга чиққанлиги сабабли, тақдимнома ва аризани қаноатлантириб, маҳкум Ю.Эсанкуловни тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан озод қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 75-моддаси ва ЖПКнинг 542-моддасига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Нишон туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси ва маҳкум Ю.Эсанкуловнинг аризаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Эсанкулов Юсуф Чориевич жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг 2024 йил 11 ноябрдаги ҳумки билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 75-моддасига асосан озод қилинсин.

Ажрим нусхаси ижро учун Нишон туман ИИБ Пробацья гуруҳига ва маълумот учун Нишон туман прокурорига юборилсин.

Ажрим устидан белгиланган муддатда Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Қаҳҳаров

